

ТИҚХММИ Бухоро филиалида матбуот анжумани ташкил этилди

ТИҚХММИ Бухоро филиали томонидан 30.06.2021 йил соат 10:00 да АОКА Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигига бўлиб ўтган 2021 йил 16 июнданги Олий таълим тизимидағи устувор вазифалар муҳокамасига бағишиланган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқ ва вазифалар ҳамда “ТИҚХММИ Бухоро филиали: кеча, бугун ва истиқболда” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.



Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси хузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи Г. Самиева, ТИҚХММИ Бухоро филиали директори Ш.Ж.Имомов, Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари К. Курбонов, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари Ф. Жўраев, Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи К.Собиров , Молия ва иқтисод ишлари бўйича бўлими бошлиғи Й.Қ.Маликов, Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат ишлар бўйича бўлими бошлиғи Г. Исоқова, ва бошқа бўлим бошликлари, филиал Матбуот котиби А. Са’дullayev ҳамда бир қатор блогерлар иштирок этдилар.



ТИҚХММИ Бухоро филиали матбуот хизмати
ТИҚХММИ матбуот хизмати